

## Туркияда Мовароуннаҳр алломалари меросига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди



11:45 / 29.05.2024 1378

2024 йил 27 май кuni Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Туркиянинг Чанкири Каратэкин университети билан ҳамкорликдаги «Мовароуннаҳрдан Онадўлига ҳадис анъанаси ва муҳаддислар» мавзусида халқаро илмий конференция ўз ишини бошлади.

Халқаро илмий конференция ишини Чанкири Каратэкин университети ректори проф. др. Ҳарун Чифтчи кириш сўзи билан очиб, мазкур конференция ўтган йили Термизда бўлиб ўтган конференциянинг мантиқий давоми эканлигини таъкидлаб ўтди.

Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бош мутахассиси Ш.Исломов, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ахборот таҳлил ва тарғибот ишларини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи К. Камиров, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази директори в.в.б. М. Жониев, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари Ф. Абдуҳалимовлар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Маърузачилар ислом динининг ривожланишида Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк алломаларимизнинг қўшган ҳиссаси, мамлакатимизда ислом динига бўлган эътиқод ва яратиб берилган шарт-шароитлар, соҳада бевосита илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан шуғулланувчи қатор олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, тадқиқот марказлари фаолият юритаётганлиги, бу борадаги халқаро ҳамкорлик масалалари хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Хусусан, Мовароуннаҳр мутафаккирлари билан Онадўлу мутафаккирларининг муносабатлари яқин дўстлик, қардошлик ва инсонпарварлик асосида барпо этилгани, илму маърифат йўлидаги ҳамкорлика ўрта асрлардан ҳозирга қадар давом этиб келаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари Ф. Абдуҳалимовнинг «Дунё бўйича энг мўътабар ҳадис китоблари олтита бўлиб, шундан бештасига ҳамма яқдил иттифоқ қилган. Булар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насойларнинг китоблари бўлиб, шулардан уч нафари – Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Насойлар юртимиз фарзандларидир» – деган фикрлари ўтказилаётган халқаро илмий конференциянинг бутун мазмун-моҳиятини очиб берганлиги шубҳасиз.

Туркиялик олим Ислом тафаккури институти директори проф. Др. Меҳмет Гўрмезнинг ўз маърузасида «Шундай маданиятлар борки, булар ўз даврида, ўз вақтида гуллаб-яшнади, порлайди, лекин вақт ўтгандан кейин улар сўнишни бошлайди. Лекин Мовароуннаҳр маданияти шундай маданиятки, у ҳали-ҳанузгача порлаб турган, ўзининг порлоқлигини йўқотмаган маданиятдир. Қолаверса, у дунё миқёсида умуминсоний маданиятга бешик бўлган замин – Мовароуннаҳр маданиятидир» – деган фикрлари конференциянинг «қайноқ нуқтаси» бўлди.

Маълумот ўрнида: Конференциянинг 1-иш кунида 6 та шуъба бўйича иш олиб борилди, конференциянинг 2-иш куни 28 май куни давом этади.







**Имом Термизий  
ХИТМ Матбуот хизмати**